

Фаолият сарҳисоби

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида муассаса Бошқарувининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 2016 йилнинг иккинчи ярим йиллиги фаолияти яқунлари кўриб чиқилди.

Йиғилишда қайд этилишича, жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, банк активлари 18,0 трлн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 33,1 фоизга ўсган. Банкнинг умумий капитали 2,4 трлн. сўмга етиб, 32,1 фоизга ошган.

Ҳисобот даврида банкнинг кредит портфели қолдиғи 11 трлн. сўмни (ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 26,3 фоиз ўсган) ташкил этиб, унинг 91 фоизи (9,9 трлн. сўми) узоқ муддатли инвестицион кредитлар улушига тўғри келди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун банк томонидан 1,3 трлн. сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди. Натижада 5 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди.

Бундан ташқари, йиғилишда ТИФ Миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолияти ҳам таҳлил этилди. Маълум қилинишича, 2016 йилнинг биринчи ярим йиллигида жамғарма кўмагида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 643 млн. АҚШ доллари миқдорда маҳсулот ва хизматлар экспорти амалга оширилди.

Йиғилишда ўтган даврда ТИФ Миллий банки қўлга киритган ютуқлар «Mood'ys» ҳамда «Standard & Poor's» каби нуфузли халқаро рейтинг агентликларининг «барқарор» рейтинг баҳолари билан тасдиқлангани таъкидланди. Буларга омил бўлаётган муассаса салоҳияти ва мавқеини янада оширишга қаратилган саъй-ҳаракатларни кучайтириш масалалари муҳокама этилди.

Юлдуз ЗОКИРОВА.

Электротехника саноати ривожини муҳокама қилинди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан «Ўзбекистонда электротехника саноатининг ривожланиши: ҳолати ва истиқболлари» мавзuida анжуман ўтказилди.



Тадбир иштирокчилари «Artel» компаниялар гуруҳи корхоналаридаги ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишди. Бу ерда «Artel» ва «Samsung» бренди остида совутиқ, музлатгич, кир ювиш машина-

лари, бутловчи қисмлар ва қадоқлаш маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Етти юзга яқин киши меҳнат қилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси Б.Ниёзматов, «Ўзэлтехсаноат» компанияси раиси Э.Иминов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида саноат тармоқларини диверсификациялашга қаратилган изчил ислохотлар самарасида электротехника соҳаси изчил ривожланганлигини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

Ушбу сонда:

Ижтимоий фикр:
банк тизимида устувор вазифалар ижроси таъминланмоқда

5-бет

Долзарб шарҳ

6-бет

АКТ истиқболлари:
банк веб-сайтлари такомиллашмоқда

9-бет

Халқ банки: замонга мос фаолият юритиб

Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида босиб ўтилган мураккаб йўлимизга назар ташлаб, бу муддат чин маънода, юртимиз ҳаётида туб бурилишлар, янгиланишлар даври бўлганини яққол англаш мумкин.



Зеро, Президентимиз раҳнамолигида олиб борилган кенг кўламли ислохотлар натижасида нафақат иқтисодиётнинг барча соҳасида мисли кўрилмаган натижаларга эришилди, балки юртдошларимизнинг

онгу тафаккури ҳам юксалиб, ҳаётга ва меҳнатга муносабати бутунлай ўзгарди.

Хусусан, бутун дунёда эътироф этилган тараққиётнинг «Ўзбек модели» асосида молия муассасалари-

ни ислох қилиш ҳамда янада ривожлантириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўрилгани туфайли қисқа муддатда Ўзбекистонда мустақил банк тизими яратилди. Акциядорлик тижорат Халқ банкнинг ўз фаолияти барқарорлигини таъминлаш, аҳоли ишончини мустаҳкамлаш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаган ҳолда, замонавий банк хизматларини кўрсатиш борасида амалга ошираётган ишлари бунга ёрқин мисол бўла олади.

Мустақиллик йилларида Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимиз банк тизимида изчил ислохотлар амалга оширилиши, бу борада қабул қилинган тегишли фармон ва қарорларнинг талаблари ҳаётга самарали татбиқ қилиниши натижасида юртимиз банклари қаторида Халқ банки ҳам мунтазам равишда «Standard & Poor's» халқаро рейтинг агентлигининг ижобий рейтинг баҳосига сазовор бўлмоқда.

(Давоми 3-бетда).

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН КУРСИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2016 йил 26 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

| | | | | | | | |
|-------------------------|---------|---------------------|---------|--------------------|---------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------|
| 1 Австралия доллари | 2214,43 | 1 Канада доллари | 2255,04 | 1 Норвегия кронаси | 346,59 | 1 евро | 3291,37 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3887,62 | 1 Хитой юани | 443,87 | 1 Польша злотийси | 745,46 | 10 Жанубий Корея вони | 26,08 |
| 1 Дания кронаси | 437,19 | 1 Кувайт динори | 9803,96 | 1 Сингапур доллари | 2178,31 | 10 Япония иенаси | 278,71 |
| 1 БАА дирҳами | 806,98 | 1 Россия рубли | 45,86 | 1 СДР | 4106,52 | *) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган. | |
| 1 АҚШ доллари | 2964,03 | 1 Украина гривнаси | 119,46 | 1 Туркия лираси | 968,76 | | |
| 1 Миср фунти | 333,79 | 100 Ливан фунти | 197,02 | 1 Швеция кронаси | 342,56 | | |
| 1 Исландия кронаси | 24,24 | 1 Малайзия ринггити | 726,66 | 1 Швейцария франки | 3002,16 | | |

Айрим хорижий валюталарнинг ўтган ҳафтага солиштирма курсаткичи: **1 USD ▲ 2964,03 – (2958,87) | 1 EUR ▲ 3291,37 – (3280,62) | 1 GBP ▼ 3887,62 – (3911,92) | 10 JPY ▼ 278,71 – (280,33)**

Халқ банки: замонга мос фаолият юритиб

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу билан бирга, мустақиллик йилларида республика-миз банк тизимида, шу жумладан, Халқ банкида қатор янги хизмат турлари жорий этилдики, улар асосида аҳоли фаровонлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш, иқтисодиётда ишлаб чиқаришни янада оширишга қулай шароит ҳозирланди.

Барча ҳудудларни қамраб олаётган сайёр хизматлар

Кўпгина чекка қишлоқларда яшовчи фуқароларимиз илгари коммунал ва бошқа тўловларни амалга ошириш учун туман марказларига борганликлари ҳаммамизга маълум. Халқ банки уларнинг манфаатларини кўзда тутган ҳолда, нафақат шаҳар ва туманларда, балки қишлоқ жойларда, маҳалларда ҳам филиаллар, махсус кассалар, жамғарма ва сайёр кассалар ташкил этиб, замонавий технологиялар воситасида аҳоли талаблари бўйича банк хизматларини сифатли кўрсатишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Чунончи, банк ходимлари ҳудудларга бориб, аҳолидан нақд пул ва тўлов терминалларида қабул қилинган тўловларни планшетларга ўрнатилган махсус дастур орқали онлайн тизимида корхоналарнинг ҳисоб рақамларига ўтказиб келмоқда.

Айниқса, дам олиш кунларида ҳам банк ходимлари бундай ўмушни бажараётгани фуқароларимизга манзур бўлмоқда.

Мижозлар хавфсизлиги ва ишончини ўйлаб

Халқ банки тизимида замонавий ахборот технологияларини ривожлантириш фаолиятининг устувор вази-фалари сирасига киради. Бугунги кунда банкда қўшимча равишда янги биометрик технологиялар асосида ми-жозларнинг «бармоқ изи» бўйича омонатларга маблагларни қабул қилишда тезкор, ишончли ва кам вақт олувчи тизим яратилган.

Ушбу тизим бўйича банкнинг жамғарма кассаларидаги махсус ридер ускунаси асосида омонатчиларга омонат ҳисобварақлар очиш чо-гида кейин бўладиган опера-цияларни фақатгина уларнинг иштирокида амалга ошириш учун бармоқ изларидан намуналар олинади.

Тизим афзал томони омонатчининг иштирокисиз ҳеч қандай операциялар (фоизлар ҳисобланишидан ташқари) амалга оширилмаслиги-дир. Мазкур хизмат жорий йилнинг июль ойидан бош-лаб банкнинг барча филиал-ларида тўлиқ жорий этилди.


Замонавий хизматлар ортидаги кенг имкониятлар

Халқ банки томонидан кейинги йилларда «Интернет-банкнинг» ва «Мобиль-банкнинг» тизимларини кенг татбиқ этиш юзасидан муайян ишлар олиб борилмоқда. Пировардида, мазкур хизматлар молия муассасаси фаолияти самарадорлигини ошириш билан бирга, ми-жоз учун ҳам қўшимча қулайликлар яратаяпти.

Гап шундаки, ми-жоз ўз ҳисобварағи бўйича амали-



Чап кичкина бармоғингизни қўйинг!



ётларни банкка бормаган ҳолда, исталган жойда туриб, ўзига қулай вақтда интернет орқали бажариши, яъни ҳисобварағидаги маблагларни ўтказиш, уларнинг ҳолати, маблагнинг келиб тушиши, тўловларнинг акс этишига доир маълумотларни олиши мумкин. Бу ми-жознинг вақтин-тежаши, манзилнинг узоқ-яқинлигига қарамасдан, маблагини тезкор бошқариши учун яратилган афзаллик ва қулайликлардир.

Шунингдек, АТ Халқ банки томонидан жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими иштирокчилари учун «SMS-хабарнома» хизмати жорий этилган. Ушбу интерактив хизмат тури банкда Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими иштирокчиларига янги, замонавий хизмат турлари кўламини кенгайтириш ҳамда ахборот-коммуникация соҳасидаги илғор технологиялардан фойдаланган ҳолда, ми-жозларга тез ва ишончли хизмат кўрсатиш имкониятини беради. Бир сўз билан айтганда, ушбу хизмат ми-жознинг мобил алоқа воситалари орқали исталган вақтда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамидаги маблаглар қолдиғи тўғрисида маълумот олиш имконини берувчи дастурий тизимдир.

МИЖОЗЛАР ФИКРИ

Абдуҷалол МАДИЕВ, Қибрай туманидаги «Яшнобод» маҳалласида истиқомат қилувчи ми-жоз:

– Халқ банкнинг туманидаги филиалида ми-жозлар учун яратилган қулайликлардан жуда хурсандимиз. Кунни кеча, қаранг, янги жорий қилинган планшет мосламаси орқали газ ва совуқ сув учун пул тўладим. Авваллари тўловларимиз белгиланган ҳисоб рақамига тушиши учун муайян вақт кетар эди. Янги хизмат орқали эса барча турдаги тўловлар бир зумда амалга оширилса, ҳатто кичик принтер ёрдамида тегишли чекни ҳам олса бўлар экан.

Раъно АШУРОВА, Қибрай туманилик ми-жоз:

– Мен илгари барча тўловларни Халқ банкнинг филиалларига бориб тўлаб келардим. Бугунги кунда ушбу муассаса «Банк ми-жоз учун» деган тамойилга тўлақонли амал қилган ҳолда, ми-жозлар учун замонавий тўлов тизимларини жорий қилаётгани қувонарлидир. Мисол учун, банк ходими сумкачасидан планшет, термопринтер ва терминални олиб, бизнинг барча тўловларимизни тезкор қабул қилиб олди. Узоғимиз яқин бўлганидан мамнунимиз.

Зулфинисо НИЁЗМЕТОВА, Олмазор туманида яшовчи ми-жоз:

– Кўп йиллардан буён Халқ банкнинг туманидаги филиалига маблагларимни омонатга қўйиб, унга ҳисобланган ойлик фоизларни белгиланган вақтда оламан. Бу ерда омонатчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва уларга янада кўпроқ қулайликлар яратиш мақсадида «Бармоқ изи» дастури ишлаб чиқилиб, амалиётда қўлланилаётгани, айниқса, диққатга сазовор. Ишонасизми, мен биринчи марта бармоқ изларим ёрдамида банкка омонат қўйдим. Бу жуда кам вақт талаб қиладиган ва ишончли тизим экан.

Зайнаб АКБАРОВА, Юнусобод туманида истиқомат қилувчи ми-жоз:

– Халқ банкида «Бармоқ изи» дастури ҳаётга татбиқ қилинганини эшитиб, унинг илк фойдаланувчиларидан бири бўлгим келди. Бу дастурнинг менга маъқул бўлган жиҳати шуки, ҳар қандай ми-жоз қисқа вақтда омонатини қўйиши ва олиши мумкин. Бу ҳақда бошқаларни ҳам хабардор қилганимда, кўпчиликнинг фикри бир жойдан чиқди: бизбоп экан! Халқ банкида мана шундай замонавий хизматлар янада кўпроқ бўлишини истаймиз.

Бекзод АКРОМОВ.

мага эга бўлишни талаб этади. Зеро, истиқболли лойиҳани молиялаш ҳам корхона, ҳам аҳоли манфаатларига хизмат қилиши муҳимдир.

– «Асака» банкнинг Хоразм вилояти филиали хизматларидан анча йилдан буён фойдаланиб келамиз, – дейди «Юқорибоғ неъматлари» агрофирмаси раҳбари Маркс Раҳмонов. – Ходимлари хушмуомала, тажрибали ва ўта зийрак. Ҳар бир биз-нес-режани синчковлик билан ўрганади, самарали лойиҳаларни қисқа муддатда молиялаштиради. Жорий йилда яхши ниятлар билан янги иш бошладик. Бозорларимиз пештоқларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан йил мобайнида узлуксиз таъминлаш мақсадида музлатгич хоналари қуришга киришдик. Лойиҳамиз «Асака» банк томонидан қўллаб-қувватланди. 550 тонналик музлаткич ишга туширилса, унда сақланувчи маҳсулотлар нафақат вилоятимиз аҳолисининг дастурхонига, балки

хориж бозорларига ҳам етказиб берилиши мўлжалланган.

«Асака» банкнинг Хоразм вилояти филиалида Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 4725-сонли Фармони талабларига муво-фиқ, хусусий тадбиркорликни ривож-лантириш, улар томонидан тақдим этилаётган истиқболли лойиҳаларни молиялаштиришда турли тўсиқ ва чекловларни бартараф этишга қаратилган барча чоралар кўрилган. Жумладан, аҳоли ва ишбилармонларга яқиндан туриб хизмат кўрсатиш мақсадида филиал таркибида 6 та мини-банк, 6 та чакана банк хизматларини кўрсатувчи шохобчалар фаолияти йўлга қўйилган, «Ишонч телефони»-нинг узлуксиз ишлаши таъминланган, у орқали келиб тушган мурожаатлар-

нинг ўз вақтида бартараф этилиши назоратга олинган, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қулайликлар яратиш ҳамда хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш мақсадида «Тадбиркорлар хонаси» ташкил этилган. Зарурий техник воситалар, кўргазмали стендлар ва меъёрий ҳужжатлар билан жиҳозланган ушбу хонада ишбилармонлар соҳадаги барча янгиликлардан хабардор бўлиб боришмоқда.

Кредит хизматларини кўрсатиш борасида эса филиал жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга жами 18,2 млрд. сўм миқдорида кредит маблаглари ажратди. Шундан 3,1 млрд. сўми аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга, 1,2 млрд. сўми хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларига, 12,8 млрд. сўми эса ички бозорни озик-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдиришга йўналтирилди.

Бундан ташқари, иқтисодиётнинг турли соҳаларига қарийб 140,0 млрд. сўмлик узоқ муддатли кредит маблаглари жалб қилди.

Мухтасар қилиб айтганда, «Асака» банк Хоразм вилояти филиали жамоаси аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга тақдим этилаётган банк хизматлари тури ва ҳажмини кенгайтириш, сифатини янада яхши-лаш, банк амалиётлари тезкорлигини ошириш бўйича фаол ишлар олиб бормоқда. Банк филиали томонидан кўрсатилаётган тезкор, сифатли ҳамда қулай хизматлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сафини кенгайтириб, уларнинг вилоят иқтисодиёти тараққиётига қўшаётган ҳиссасини оширмоқда. Жорий йилда филиал ушбу сайёҳаракатларни давом эттириб, соҳага жами 70,0 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратишни режалаштиргани фикримизга далил бўла олади.

Назира МАВЛОНОВА.